



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА



ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ЧОРЛАГАН “ИЛҲОМ”

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Илҳом” мукофоти ғолиблари тақдирланди

Адиблар хиёбони барпо этилганининг бир йиллик тантанаси “Катта адабиёт байрами”га айланиб кетди. Бу боғда янграган шеър ғазал, мусиқа, талаба-ёшларнинг нафис рақслари, турфа сахна кўринишлари кечга қадар давом этди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда адабиётдан самарали восита сифатида фойдаланиш бешта муҳим ташаббуснинг биринчисидир. Ўз аксини топган бўлса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш тўртинчи ташаббус замирида намойён бўлди. Бу борада мамлакат миқёсида амалга оширилаётган хайрли ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Ана шу эзгу ишларнинг ёрқин амалий ифодаси бўлган Адиблар хиёбони чинакам адабиёт боғи сифатида минг-минглаб ёшлар қалбидан жой олиб, беғубор кўнгиллар интилгучи ажиб масканга айланди.

Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетган бир йил давомида 24 та олийгоҳ томонидан кўплаб адабий тадбирлар — давра суҳбатлари, очик осмон остидаги маънавият соатлари, ижодкорлар билан учрашувлар юксак савияда ташкил этилди. Адабиётга ошно йигит-қиз борки, бугун мана шу

маскан — адабиёт боғида адабиётимизнинг улкан вақилларига эҳтиром ҳиссини туяди. Боғдаги қайси бир адиб ҳайкали пойига қараманг, турфа алвон гуллар ҳар қачонгидан гўзал, ҳар қачонгидан кўп. Биз ҳам эрта тондан хиёбон сари отланган илму урфон соҳибларию толибларига ҳар қачонгидан бошқача савол билан юзланамиз: Адиблар хиёбони бир йил давомида талабаларга, адабиётга ошно ёшларга нима берди?

Тошкент архитектура-қурилиш институти проректори Зафар Абдувалиевнинг айтишича, хиёбонда ҳафтада икки бор ўтказиладиган тадбирлардан ташқари, талабалар ва фуқаратшунос олимлар ўртасида конференциялар ўтказиш, шоир суратини яратиш, асарларини ўрганиш юзасидан кўплаб танловлар ташкил этилди. Унда фаоллик кўрсатган ва етакчилик салоҳиятини намойиш қилган турт нафар талаба махсус кўрак нишони ва стипендияга сазовор бўлади.

Мухаммад Юсуф ҳайкалига қараб, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг бир йил давомидаги тадбирлари бир ён-у, бугунгиси бир ёндек хайратга, ҳаяжонга тушасиз. Ўзининг содда, самимий сатрлари ва улардан яралган қўшиқлар, уларга жўр бўлган рақслар халқларвар шоир руҳини яна бир қарра шод этган бўлса не ажаб...

Болалиқдан шоир муҳлисига айланган устозлардан бири Нормурод Авазов Мухаммад Юсуф шеърларининг 9 тилдаги таржимасидан тўпلام тайёрланаётганини фахр билан айтади. Мухаммад Юсуф шеърларини қорақалпоқ тилига таржима қилаётган Бибиойша Қудайбергенова бу тўпلام шоирга бўлган чексиз ҳурмат ифодаси эканини таъкидлади. Мана шундай устозларидан куч олиб, уларга эргашаётган талаба-ёшлар ҳам элнинг эрка шоирини кўплаб шеърларида алқашга улгурибди.

Садоқатнинг чинакам тимсоллари — Зулфия ва Ҳамид Олимжон ўзларининг гуллаган ёшлик чоғларини талабалар сиймосида кўриб, бахтли онларига қайтгандек қулиб туради...

▶ Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Дунё мамлакатлари Оролбўйи аҳолисининг турмуш шароитини яхшилашга ёрдам беришга тайёр

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциясига халқаро жамоатчилик муносабат билдиришда давом этмоқда.

Хелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистондаги координатори:

— БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу резолюциясини ташкилотга аъзо давлатлар яқдиллик билан қабул қилганидан жуда мамнунман.

Мен Орол денгизи инқирозини ривожланишининг нотўғри танланган йўлини ифода қилган модел, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга, биз ушбу инқирозга қандай қилиб ечим топишни, фожиа ҳолатдан инновациялар, технологиялар ва барқарор ривожланиш имкониятларига ўтишни ижобий нуқтаи назардан кўриб чиқишимиз мумкин.

Ўзбекистон раҳбариятининг 2018 йилда шакллантирилган дастурига кўра, ушбу минтақани экологик инновация ва технологиялар зонасига айлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар жадаллашмоқда.

2019 йилда Нукусда бўлиб ўтган иқлим ўзгариши, исиш ва сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларга бағишланган халқаро конференцияда жаҳоннинг турли мамлакатларидан кўплаб вақиллар иштирок этди. Мазкур муаммолар чўлланишга олиб келди, биохилма-хилликни йўқотишга сабаб бўлди, минтақа аҳолиси саломатлигига салбий таъсир кўрсатди. Биз Жанубий Корея мутахассисларининг ўрмонлаштириш, Эрон олимларининг сув ресурсларини бошқариш ва мавжуд муаммоларга ечим топиш, бошқа экспертларнинг инновация ва технологиялардан самарали фойдаланишга оид фикр-мулоҳазаларини тингладик. Эндигликда юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш учун навбатдаги муҳим қадам ташланди.

▶ БМТ шафелигидега Ўзбекистон билан ҳам-



корликда Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича Кўп томонлама шериклик траст жамғармаси ташкил этилганидан фахрланамиз. Инновация ва технологиялар бўйича конференцияда ҳукумат билан ҳамкорлик қилиб, Оролбўйида барқарор ривожланиш бўйича маслаҳат кўмитаси фаолиятини йўлга қўйганимиздан ҳам мамнунмиз. Маслаҳат кўмитаси аниқ мақсадлар — инновация ва технологиялар, барқарор ривожланиш, рақамли технологиялар, малакали тиббий хизмат, биохилма-хилликни мустаҳкамлашни кўплаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда.

Албатта, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Резолюция бир кунда вазиятни ўнгламайди, Маслаҳат кўмитаси ҳам дунёни ўзгартирмайди. Лекин мен Бош Ассамблея томонидан мазкур резолюциянинг қабул қилинганини Оролбўйи муаммоларига ечим топиш бўйича саъй-ҳаракатлар глобал миқёсда кўллаб-қувватланиши белгиси, деб ҳисоблайман.

▶ Давоми 2-бетда

ТИББИЁТ ВА ИННОВАЦИЯ

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ ОДИМЛАР



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, инновацион ривожланиш вазири, академик

Давлатимиз раҳбарининг Рамазон ҳайити арафасида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази каби шифо масканларига ташири оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Жамоатчилик орасида ижобий акс-садо берди.

Мазкур ташир юртдошларимизнинг руҳиятини кўтариш, инсонлар тақдирига жонқуярлик фазилатини намойён этиш билан бирга, ҳар доимгидек конструктив ечим ва таклифларга бой



бўлди. Юксак ғамхўрлик, меҳрибонлик, ҳар бир фуқаро тақдирига жонқуярлик ташрифнинг асосий мазмунини ифода этди. Ташрифда мамлакатимизда кечаётган туб янгиликлар на-тижасида тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар мақсад қилингани ва бу йўлда амалий ишлар бошлангани таъкидланди.

Президентимиз раислигида 18 май кунини соғлиқни сақлаш соҳасидаги иш-лохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида эътибор қаратилиши зарур бўлган асосий йўналишлар ҳамда мазкур соҳада амалга оширилаётган қатъий чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу ишларни бажариш жараёнида Инновацион

ривожланиш вазирлиги жамоаси зиммасига ҳам қатор вазифалар юкланади. Ўтган вақт давомида вазирлик томонидан илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар қилинди. Жумладан, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги ташкилотлар томонидан умумий қиймати 76,4 миллиард сўмлик 56 та илмий лойиҳа учун шароит яратилди. Яъни ҳозир 57 миллиард сўмлик 42 та амалий, 19,6 миллиард сўмлик 14 та инновацион лойиҳа бажарилмоқда.

▶ Давоми 8-бетда

МАЪНАВИЯТ ВА КИТОБ — ҚАЛБЛАРНИ ЁРИТГАН ЧИРОҚ

Ҳозирги пайтда ҳаммамизнинг олдимизда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилишга бағишланган Тўртинчи йўналиши бўйича материаллар билан 3-6-саҳифаларда танишасиз.



ТҮРТИНЧИ ТАШАББУС

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШ, УЛАР
ОРАСИДА КИТОБХОНЛИКНИ
КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ
БЎЙИЧА ТИЗИМЛИ ИШЛАРНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАН.



5 МУҲИМ
ТАШАББУС



“Ёшлар кутубхонаси” рукни остида **59** номдаги **590** минг дона бадиий адабиётлар чоп этилиб, республикамиздаги барча таълим муассасаларига тарқатилди.



Ўзбекистонда таълим муассасалари учун **7** тилда дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилмоқда.



“МАЪРИФАТ
КАРВОНИ”
тадбирлари

доирасида **3** млн.дан ортиқ китоблар ёшларга етказиб берилди.



1 677 та матбаа корхонаси,
118 та нашриёт давлат рўйхатига олинган.




2017-2020 йиллар давомида “Ёш китобхон” танловига **2** миллион **470** минг нафардан зиёд ёшлар қамраб олиниб, ғолибларга “Президент совғаси” — **11** та “**SPARK**” автомобили топширилди.



Умумтаълим мактаблари кутубхоналарида **18,6** млн. нусха адабиёт фонди мавжуд бўлиб, кутубхоналарга **4,1** млн. нафар ўқувчи аъзо.



16,3 млн. китоб фондига эга **201** та ахборот-кутубхона марказидан **1,2** млн. нафар аъзо фойдаланади.



Китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида “Китобхон ёшлар”, “Энг фаол китобхон”, “Китоб менинг дўстим”, “Ёш китобхон”, “Ёш ижодкорлар”, “Китобхон оила”, “Ёш билимдонлар”, “Билимдон юлдузлар” номли лойиҳа ва танловлар ўтказилмоқда.



Наманган вилоятидаги “**НОДИРАБЕГИМ**” ахборот-кутубхона марказига **2** млрд. сўм ажратилиб, замонавий кўринишга келтирилди.



Китобхонлик тадбирлари доирасида **20** номдаги **210** мингдан ортиқ бадиий адабиётлар таълим муассасаларининг кутубхоналарига етказилди.



